

Ҳадиснинг маъносини ривоят қилиш ҳақида



15:00 / 08.04.2019 1839

VI боб

Фақиҳ Абу Лайс (раҳимаҳуллоҳ) айтадилар: «Одамлар ҳадиснинг маъносини ривоят қилиш ҳақида ихтилоф қилишди. Баъзилар, фақатгина лафзи билан жоиз, дейишди. Бошқалар, эса фақат маъносининг ўзини ривоят қилиш жоиз, дейишган, шу тўғри сўздир.

Биринчи тоифанинг ҳужжати Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Мендан бир ҳадисни эшитиб, сўнг уни эшитганидек қилиб етказган кишини Аллоҳ раҳмат қилсин», деган сўзларидир.

Бароъ ибн Озиб айтадиларки: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир кишига дуо ўргатдилар. У киши дуонинг охиридаги: «Нозил қилган китобинг ва юборган пайғамбаринг», деган жойини «юборган расулинг», деб ўқиди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам «юборган пайғамбаринг», деб тўғирладилар ва уни ҳадис лафзини ўзгартириб ўқишдан қайтардилар».

Маъносини ривоят қилиш жоиз, деганларнинг ҳужжати Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Огоҳ бўлинглар, шоҳид бўлганлар ғойибларга етказсин», деган сўзларидир. Дарҳақиқат, Расулимиз бизга етказишни буюрдилар.

Восила ибн Асқабнинг: «Агар биз ҳадиснинг маъносини айтсак, шу сизларга кифоядир», деганлари ривоят қилинади. Ваҳоланки, у зот саҳобалардан эди.

Ибн Авф: «Иброҳим Наҳаъий, Шаъбий, Ҳасан Басрийлар ҳадиснинг маъносини етказардилар», деб айтган.

Вакиъ: «Агар ривоят кенг маъно билан бўлмаганида, инсонлар, албатта, ҳалок бўлардилар», дейди. Суфён Саврий: «Мен сизларга эшитганимдек айтяпман, десам, мени тасдиқламанглар, чунки Аллоҳ таоло: **«Ахир улардан ҳар бир гуруҳдан бир тоифа одамлар (жанг учун) чиқмайдиларми?! (Қолганлари эса Мадинада) динни ўрганиб, (жангга кетган) қавмлари уларнинг олдларига қайтганларида, у қавмлар Аллоҳнинг азобидан сақланишлари учун уларни огоҳлантиргани (қолмайдиларми)?!»** (Тавба сураси, 122-оят) деб арабча лафзда айтяпти, агар уларнинг қавми арабий лафзни тушунмаса, баён ва тафсир билан тушунтиришлари шарт бўлади». Демак, ривоят қилишда лафзга эмас, маънога эътибор бериш кераклиги исботланди.

«Бўстонул Орифийн» китобидан